Ушбу сонда:
2 ЭНГ ЯХШИ СИҲАТГОҲЛАРИМИЗ
3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА
4 *Жаҳон чемпионати: Еттинчи саралаш гуруҳи* МУХЛИСЛАР КУТГАН ЎЙИН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 5 май, шанба № 69 (1083)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Улар доимо қалбимизда

9-май - Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларида Хотира боғлари барпо этилмоқда. Яратилаётган боғлар замондошларимиз ва келгуси авлодларга иккинчи жаҳон урушида, халқимиз бошига мусибат солган жангу жадалларда қурбон бўлган инсонлар хотирасини эслатиб туради.

«Улар доимо қалбимизда» шиори остида ўтаётган мулоқотларда мактаб ўқувчилари, академик лицей ва коллеж талабалари мард ва жасур боболаримиз ҳаёти ҳақидаги билимларини намойиш этмоқда.

Шу мақсадда маҳаллий ижодкорлар ўртасида ўтказилган «Инсон хотираси муқаддас» кўрик-танлови ниҳоясига етди.

(ЎзА).

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВЛАДИМИР ПУТИН БИЛАН УЧРАШУВИ

4 май, Москва. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар беради.

Бугун Президент Ислом Каримов номаълум аскар қабрига гул қўйиб, фашизм устидан ғалаба қозонилган сана - 9 май арафасида марҳумлар руҳини ёд этди.

Кремлда давлатимиз раҳбари ва унинг рафиқасини расмий кутиб олиш маросимидан сўнг, Ўзбекистон ва Россия Президентлари яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг барча жабҳалари атрофлича муҳокама этилди.

Жумладан, суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар тузилмасини қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб, Россиянинг Ўзбекистон бозорида янада фаоллашуви ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлишига эътиборни қаратди. Президентимизнинг фикрича, бу жараён қўшма корхоналар тузиш ва хусусийлаштириш дастурларида қатнашиш шаклида бўлиши мумкин.

Президентлар учрашувида Ўзбекистон-Россия савдо палатасини тузиш тўғрисида сўз борган ва айни масала юзасидан деярли келишувга эришилган. Айни пайтда В. Путин Россия Хавфсизлик кенгашида икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий-техникавий алоқалар мониторинги бўйича махсус гуруҳ тузишни таклиф этган.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёдаги хавфсизлик масаласига катта эътибор қаратилди. Ислом Каримов Россия билан бу соҳадаги ҳамкорлик минтақада халқаро террорчиликка қарши курашнинг муҳим шартларидан бири эканлигини таъкидлади. Жиноий гуруҳларнинг Ўзбекистон ва Қирғизистонга суқилиб кириши қайта такрорланмаслиги учун Россия билан ҳамкорлик зарурдир. Бундай гуруҳлар пайининг қирқилишидан Россия ҳам жуда манфаатдордир. Чунки халқаро террорчилик Шимолдаги ҳамкоримизни ҳам четлаб ўтмаётганлиги сир эмас.

Икки давлат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида йиғилиб қолган муаммоларга ечим топиш, ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш борасида фикр алмашилди. Томонлар ҳарбий-техникавий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларга оид масалаларни муҳокама қилди. Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Қўшма баёноти ҳамда Чегара масаласи бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекди.

1999 йилнинг декабрида В.Путиннинг Тошкентга ташрифи чоғида икки давлат ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома қабул қилинган эди. Ана шу ҳужжатнинг ратификация ёрлиқларини алмашиш ҳақидаги протокол иммзоланди.

Шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия, ўзаро савдода билвосита солиқ олиш тамойиллари, контрабанда ва божхона қонунбузарлигига қарши курашда ҳамкорлик, божхонага оид ҳужжатлар ва тартиб-қоидаларни ўзаро тан олиш, божхонадан ўтиш тартибини енгилатиш ва соддалаштириш, маданий соҳада 2001-2003 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар қабул қилинди.

Кремлдаги тадбирлар ниҳоясига етгач, Президент Ислом Каримов Россия ҳукумати уйига ташриф буюрди. Бу ерда ҳукумат раиси Михаил Касьянов билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда асосий эътибор савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масаласига қаратилди.

Ўзбекистон-Россия муносабатларида фан ва таълим соҳалари алоҳида ўрин тутади. Президентимизнинг ташрифи дастурига Михаил Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг илмий кенгаши вакиллари билан учрашув киритилгани бежиз эмас. Мазкур учрашувда таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма тадқиқотларни кўпайтириш ҳақида сўз борди.

Ислом Каримовнинг МДУга ташрифи чоғида бу ерда «Ўзбекистон: Мустақилликнинг ўн йили» мавзуида фотокўргазма ҳам ташкил этилди. Унда етмишдан ортиқ сурат ҳамда юртимизнинг бугуни ва ўтмиши ҳақида батафсил маълумот берувчи лавҳалар намойиш қилинмоқда.

(ЎзА).

Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжатга биноан, Қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили мамлакатимиз мустақиллиги байрами арафасида - 31 август куни Тошкентдаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтказиладиган бўлди. Шу муносабат билан ЎзА мухбири «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси, филология фанлари доктори, профессор Наим КАРИМОВ билан суҳбатлашди.

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

- Аввало, мазкур Фармон истиқлолга эришган юртимизда тарихий адолатни, халқимизнинг қадимий миллий қадриятларини тиклаш борасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган кўплаб хайрли ишларнинг мантиқий давоми эканини алоҳида қайд этмоқ керак,- деди Н.Каримов. - Юртбошимиз кўп бор таъкидлаганларидек, тарихсиз келажак йўқ, адолатни тикламасдан туриб эса адолатли жамият қуриб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу тарихий ҳужжат жамоатчилик томонидан жуда катта хайрихоҳлик билан кутиб олинди. У халқимизнинг кўнглидаги иш бўлди. Фармонда зикр этилган ишлар тизими юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ёшларни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш ва Ватанимизнинг буюк келажагини қуришга хизмат қилади.

Мазкур Фармон 1999 йил 12 майда Президентимиз томонидан имзоланган бошқа бир ҳужжат - мустамлака даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги Фармойиш ва шу асосда Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган махсус Қарорнинг узвий давоми бўлди. Таъкидлаш керакки, мустамлака зулмидан жабр кўрган бирор мамлакатда элюрт озодлиги йўлида қурбон бўлганлар, истибдод даврида қатағон этилганларнинг қутлуғ номларини тиклаш борасида бу қадар кенг қамровли ишлар амалга оширилмаган.

- Қатағон қурбонларини ёд этиш маросимининг айнан 31 август куни - Мустақиллик байрами арафасида ўтказилишининг боиси нимада? Бу хайрли тадбир нега айнан шу куни ўтказилади? Бизда 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни ҳам бор...

- Жавобни саволингизнинг охиридан бошласак. Одатда, Хотира ва Қадрлаш куни иккинчи жаҳон урушида, фашизмга қарши жангларда жон фидо этган ватандошларимизнинг муборак номларини хотирлаймиз. Уруш фахрийлари ва фронт ортида фидойилик намуналарини кўрсатган ва ҳозир сизу биз билан бирга мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлаётган юртдошларимиздан кўнгил сўраб, ҳолидан хабар оламиз. Уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўямиз.

Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига келсак, маълумки, мустабид тузум даврида халқимизнинг энг кўзга кўринган вакиллари - давлат, маданият ва санъат арбоблари, зиёлилари билан бир қаторда кўплаб оддий кишилар ҳам «халқ душманига» чиқарилиб, қатағон қилинган. Шу тариқа миллион-миллион одамлар хонавайрон бўлиб, уларнинг ортида қолганлар эса хўрлик ва ситамларга гирифтор этилган. Биз уларнинг покиза руҳлари олдида абадий қарздормиз. Маълумотларга қараганда, ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ҳудудида истибдодга қарши тўрт юзга яқин қўзғолон бўлган. Ана шундай тенгсиз курашларда қурбон бўлган кўпчилик ватандошларимизнинг ҳатто қабрлари ҳам йўқ қилиб ташланган. Миллионлаб бундай инсонлар чоризм қамоқхоналарию Сибир сургунларида, Сталиннинг авахталарида ном-нишонсиз кетган. Мустамлакачилар уларнинг шарафли номларига қўшиб қабрларини, қариндош-уруғларини ҳам йўқ қилиб юборган. Бундай адолатсизликларга учраган юртдошларимизни бугун биз, истиқлолнинг улуғ неъматларидан баҳраманд бўлаётган авлодлар алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан ёд этмаслигимиз мумкинми!.. Айниқса, Мустақиллик байрами шодиёналари арафасида!

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида айнан 31 август - Мустақиллик байрами арафасини белгилашида улуғ ҳикмат бор, деб ўйлайман: «Азиз ватандошлар! Сизу бизнинг бундай озод ва бахтиёр кунларимизни деб қурбон бўлган, истиқлолимизни кўролмай кетган юртдошларимизни унутмайлик. Мустақиллигимизнинг қадрига етайлик. Уни кўз қорачиғимиздек авайлаб-асрайлик!...» Бу ҳикматнинг мазмун-моҳияти мана шунда!

Қолаверса, мазкур хайрли тадбирнинг айнан 31 августга белгиланишининг яна бир ибратли томони, менингча, шу куни мамлакатимизнинг узоқ-яқин шаҳар-қишлоқларидан, хорижий давлатлардан мустақиллик байрами тантаналарида иштирок этиш учун кўплаб меҳмонлар пойтахтимизга ташриф буюради.

Ана энди тасаввур қилинг: энг улуғ, энг азиз байрамимиз олдидан улар Президентимиз ташаббуси билан ўтган йили пойтахтимизнинг Юнусобод мавзесида ташкил этилган мўътабар қадамжо - «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуига йиғилиб, аждодларимизни ёд этади! Уларнинг муборак руҳи олдида бош эгади. Айтинг, инсон учун бундан улуғ савоб борми?!

Дарҳақиқат, инсон хотираси - муқаддас. Шу жиҳатдан, Президентимизнинг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони халқимизнинг минг-минглаб фидойи ўғил-қизлари хотирасини ёд этиш, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгида ўтганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини шакллантириш борасида жуда муҳим омил бўлади.

Элбек ХОЛИҚОВ суҳбатлашди (ЎзА).

ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Ислом Каримов Россияга иккинчи бор давлат ташрифи билан келди

Гаяз Алимов. «Известия» газетаси.(2001 йил 4 май).

Россия дипломатияси амалиётида илгари бундай воқеа юз бермаган: сўнгги уч йил давомида Ўзбекистон Президентининг Москвага буюрган иккинчи ташрифига давлат мақоми берилди. Албатта, бунда расмий протокол бузилгани аниқ. Бироқ, 3 май оқшомида Ислом Каримов «Внуково-2» ҳукумат аэропортида давлат ташрифига хос барча расмий тартиб-қоидаларга риоя қилинган ҳолда кутиб олинди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор.

Ташқи ишлар вазирлигининг қонун-қоидага қатъий риоя қилувчи ходимларига энди юрак дориси ҳам ёрдам бермаса керак. Улар қанчалик қайғурмасин, ташвиш чекмасин, узоқ тарихга эга анъанавий дипломатик тартиб-қоида бузилди. Сабабки, давлат раҳбари лавозимида бўлган муайян шахс ўзининг раҳбарлик фаолияти давомида айнан бир мамлакатга икки марта давлат ташрифи буюриши ва ўша мамлакатда шундай мақомда қабул қилиниши мумкин эмас. Лекин бундай қоидадан мустасно ҳоллар ҳам бўлар экан.

Ўзбекистон раҳбари учун айнан шундай эҳтиром кўрсатилди. Кремль илк бор мисли кўрилмаган дўстона қадам қўйди ва буни шунчаки эмас, онгли тарзда қилди. Ислом Каримовнинг ташрифи арафасида Москвадаги дипломатик доиралар, айниқса МДҲ давлатлари вакиллари бу ҳолдан ҳайрон бўлиб сўрашди:

(Давоми 2-бетда).

«Баркамол авлод» спорт ўйинлари кундалиги

БУГУН — СЎНГГИ ВА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БАҲСЛАР

Жиззах вилояти спорт мажмуаларида ўтаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ниҳоясига етиб бормоқда. Ғолиблар аниқланмоқда.

Кеча Ғаллаорол тумани ўйингоҳларида футбол бўйича ярим финал учрашувлари ўтказилди. Унда наманганлик футболчилар Самарқанд вилояти жамоаси дарвозасига жавобсиз 3 та тўп йўллаган бўлсалар, сурхондарёлик ёш «чарм тўп» усталари Бухоро вилояти вакилларини кичик ҳисобда (1:0) мағлубиятга учратдилар.

Бугун футбол баҳсларининг ғолиб ва совриндор жамоалари аниқланадиган беллашувлар ўтказилади.

Волейбол бўйича ярим финал беллашувлари эса Бахмал тумани спорт залларида бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗГАНИНГ ҲАҚИ

баъзи маҳаллаларда нафақа ва ёрдам пулларини расмийлаштиришда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда

Эндиликда маҳаллаларнинг жамиятимиздаги тутган ўрнига алоҳида эътибор берилаётир. 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга тўланадиган нафақа пули, шунингдек, кам таъминланган оилалар учун ажратилаётган ёрдам пуллари улар ихтиёрига топшириб қўйилганлиги ана шу эътибор намунасидир. Бунда маҳалла фаоллари адолат юзасидан, оқилона иш юритишларига ишонч билдирилган, албатта. Эътироф этиш лозим, кўпгина жойларда маҳаллаларга оталик қилаётган кишилар бурч масъулиятига сидқидилдан муносабатда бўлиб, ҳар бир оиланинг турмуш шароитини атрофлича ўрганган ҳолда иш олиб бормоқдалар.

Бироқ, афсуслар бўлсинким, хайрли тадбирдан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланиш, танишбилишчилик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйиш ҳоллари ҳам кўзга ташланиб қолаяпти. Сариосиё тумани «Дашнобод» ширкатлар хўжалиги ҳудудида жойлашган «Сарижар» маҳалла йиғини раиси Файзулло Саидов ва котиби Абдуҳалил Эргашев 1998 йилдан 2000 йилнинг сентябригача фаолият юритдилар. Лекин шу давр мобайнида «ётиб қолгунча отиб қол» қабилида иш тутишди. Давлатимиз томонидан кам таъминланган оилалар учун ажратиладиган нафақа пулларини асосан ўзларининг яқинларига расмийлаштиришга ҳаракат қилдилар. Кишини ўйлантирадиган томони шундаки, бу «яқин» ларини ҳеч ҳам кам таъминланган оилалар қаторига қўшиб бўлмайди.

Иккала маҳалла етакчисининг хотамтойлигидан фойдаланган баъзи олғирлар ҳам юлғичлик қилишни кўзлаб қолишди. «Сарижар» лик Санобар Тошбобоева қалбаки ҳужжатлар тақдим этиб, 13 ой мобайнида 43575 сўм пулни ўмарди. Унинг «издошлари» С.Зоитова, Д.Абдуллаева, Ю.Йўлдошевалар ҳам бўш келишмади. Маҳалла раиси билан котиби бу ҳужжатларнинг сохталигини била туриб, ўзларини билмасликка олдилар.

Қинғир ишнинг миси чиқди. Ҳотамтой раис ва котибнинг икки йилга етиб-етмаган «фаолияти» давлат бюджетидан 194401 сўмни юлиб кетганлиги маълум бўлди. Улар кўп ўтмай ўзларини «қора курси»да кўрдилар.

Кўпнинг ҳақидан ҳазар қилмайдиганлар Г.Хидиров номли ширкатлар уюшмаси ҳудудида ҳам мавжудлиги прокуратура текширувидан сўнг аниқланди. «Тартуш» маҳалласининг раиси Р.Абдуллаев ва котиби Ю.Алиева нафақаларни ноқонуний тарзда тайинлаш борасида устаси фаранг чиқиб қолишди. Текшир-текшир бошлангач, улар минг бора тавба-тазарру қилиб, молия бўлимига 53280 сўмни ўз чўнтакларидан тўлашга мажбур бўлдилар.

Шу ўринда бир нарса кишини ўйлантиради. Қоидага кўра, ҳар бир маҳалла йиғини қошида 9 нафар холис фуқародан иборат кузатув комиссияси фаолият кўрсатади. Комиссия аъзолари давлатнинг ҳар бир сўми қаёққа, қай йўсинда тақсимланаётганлигини назорат қилиб турмоқлари лозим. Лекин улар айрим жойларда номигагина мавжуд. Мутасадди комиссиялар кутилган даражада фаолият юритганларида эди, юқорида номлари кўрсатиб ўтилган маҳаллаларда кўзбўямачилик, суиистеъмол қилиш ҳолларига вақтида чек қўйилган бўлур эди.

Б.ШОВРИҚОВ,
Сариосиё тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.
Т.ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЮКСАК ЭҲТИРОМ

(Боши 1-бетда).

нима учун? Ўзбекистонлик дипломатлар усталик билан: «Сизларнинг президентларингиз ҳам Путин билан Каримовчалик қадрдон бўлсин-да», дея жавоб қайтаришди.

Ислом Каримов Москвага биринчи давлат ташрифи билан 1998 йилда келган эди. Ўшанда ҳам май ойининг илк кунлари эди. Унда В.Путин ҳали сиёсат майдонида танилмаган, Президент маъмуриятининг юқори мартабали ходимларидан бири эди. Фақат 1998 йилнинг июл ойида у ФСБ (Федераль хавфсизлик хизмати) директори этиб тайинланди. Ўшандан бошлаб В. Путин Россиянинг жанубий чегараларидаги хавфсизлик масалалари, шунингдек, Марказий Осиё оша келаётган жиддий таҳдидлар билан қатъий шуғуллана бошлади. Шундан сўнг, ФСБ директорининг Ислом Каримов билан норасмий учрашуви бўлиб ўтган, деган тахминлар бор. Ўзбекистон Президентини шахсан танийдиган одамлар унинг тўғрисўз, қатъиятли, тафаккури равшан киши, оқил раҳбар эканлигидан гапиришади. Гап ўз давлатининг хавфсизлиги ва мудофаасига бориб тақалганда - ҳеч нарсасини аямайди. Ландовурларга тоқати йўқ. Баъзан бир қараши билан амалдорни довдиратиб қўйиши мумкин. В. Путинга бундай кучли одамнинг ёқиши табиий. Шундай қилиб, улар тимсолида нозиктаъбли Шарқ ва рус-немис руҳи ўзаро тил топишди. Хуллас, улар бир-бирининг мақсад-муддаосини англаган одамлар. Россия ташқи ишлар вазирлигида эса Ислом Каримовнинг мамлакатимизга ташрифи борасида протоколдан чиқиб кетилганлигини шундай изоҳлашди: «Ҳар икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги муносабатлар қўлами ва миқёси шундайки, биз бу борада мустасно қилишга мажбур бўлдик».

«Известия» маълумоти:

Ҳар икки давлат ўртасидаги товар айрибошлаш ҳажми 2000 йилда 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бунда Ўзбекистондан Россияга қилинган экспорт 545 миллион долларни, импорт 464 миллион долларни ташкил этди. Экспортнинг асосий улушини машиналар ва жиҳозлар, пахта толаси, хизматлар, озиқ-овқат моллари ташкил этди. Импортда - машиналар ва жиҳозлар, кимё маҳсулотлари ва пластмасса, қора металл. Республикада 520 та Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, шунингдек, Россия Федерацияси фирма ва компаниялари рўйхатга олинган. Россияда эса Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 250 га яқин қўшма корхона мавжуд.

200 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган Сирдарё туманидаги «Шуҳрат» акционерлик жамиятида қўшимча иш ўринларини ташкил этиш борасида қатор ибратли ишлар амалга ошириляпти.

— Макарон, қандолатчилик ҳамда иссиқ нон ишлаб чиқариш цехлари шулар жумласидандир,— дейди жамият раиси муовини И.Тўйчиев. — Бу цехларда 50 нафарга яқин одамлар иш билан таъминланган. Бу йилги режаларимиз янада улкан. Яқинда россиялик ҳамкорлар билан шартнома тузиб, йилига 3 миллион дона полиэтелин қоплар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона очмоқчимиз.

Мазкур корхона Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида ишга туширилади. Унда яна 40 нафар одам иш билан таъминланади.

Суратларда: 1. Корхона лаборанти Соҳиба Қодирова ўз касбидан барака топганлардан.

2. Макарон цехида иш қизғин.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

Энг яхши сиҳатгоҳларимиз

«ГУЛПАРШИН»ДА БИР КУН

Қорақалпоғистон Республикасидаги сиҳатгоҳлар ҳақида гап кетганида, биринчилардан бўлиб «Гулпаршин» тилга олинади. Чимбой туманининг «Тоза йўл» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган мазкур санаторий ишга тушганига аслида кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ, у замонавий, энг нодир тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланганлиги, юқори малакали ходимлар билан таъминланганлиги боис, қанчадан-қанча кишиларнинг дарддан халос бўлишлари, кўнгилли дам олишларида муҳим рол ўйнамоқда.

Сиҳатгоҳ бундай номланишининг ўзига хос сабаби бор. Маълумки, «Аёллар йили»да «Алпомиш» достони яратилганлигининг минг йиллиги кенг нишонланди. Ўшанда кишилар фойдаланишга топширилаётган масканни достон қаҳрамонларидан бири Барчиной, яъни Гулпаршин номи билан аташни таклиф қилишди. Бу барчага маъқул тушди. Орадан қисқа вақт ўтган бўлсада, сиҳатгоҳ эл оғзига тушди. Энди бу ерга келувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Ўтган муддат ичида «Гулпаршин»да 2 минг нафарга яқин бемор даволанганлигининг ўзиёқ кўп нарсани англатиб турибди.

Санаторий 75 ўринга мўлжалланган бўлиб, юрак, асаб, ҳаракат аъзолари ҳамда бошқа хасталикларни даволашда алоҳида ўрин тутмоқда. Хоналар шинам безатилган, замонавий жиҳозлар ўрнатилган. Ён-атрофни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш мақсадида хайрли тадбирлар амалга оширилди. Бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Нукус қурилиш сервиз бошқармасига қарашли Одилбек Сарназаров етакчилигидаги қурувчилар бригадаси спорт клубида сўнгги ишларни амалга оширмоқдалар. Кўркам бино шарқона усулдалиги билан ўзгача файз бағишлаб турибди.

Бош шифокор Пўлат Ҳайитмуродов раҳнамолигида даволаш усуллари билан яқиндан танишдик. Барча ёшдаги кишилар учун қулай шароит яратилган. Сувости уқалаш, парафин, физиотерапия усуллари ўзининг яхши самарасини беряпти.

— Узоқ йил хўжаликда меҳнат қилдим, - дейди биз билан суҳбатда Бердибой ака Эрметов. - Кутилмаганда юрагим безовта қила бошлади. Фарзандларим Тошкентдаги қатор шифокорларга рўбарў қилишди. Бироқ, мана шу ерда дарддан фориғ бўлдим. Бунинг учун қўли гул шифокорлардан бир умрга миннатдорман.

Санаторий ўзининг еростидан олинаётган шифобахш суви билан ҳам машҳур. Дам олувчилар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун намунали шароит яратилган. Кутубхона ҳамиша гавжум. Ошхонага истаган таомни буюртма қилиш мумкин. Беморлар Байрамгул Панаева ҳамда Ниятбой Хўжанафасовлар фаолиятидан хурсанд. Улар томонидан тайёрланаётган таомлар ўзининг мазалилиги, сифатлилиги билан ажралиб туради.

Мутасаддиларнинг таъкидлашларича, ҳозирча бир муаммо — сув масаласи анча ўйлантириб турибди. Бу ерга оби ҳаёт Туямўйиндан қувурлар орқали келади. Баъзи ўринларда узилишлар бўлаётганлиги боис, еростидан олинаётган ғоят қимматли бўлган сув истеъмол учун ишлатилмоқда. Бу ишга мутасадди ташкилотлар эътибор қаратишлари керак.

Б.ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири.

БУГУН – СЎНГГИ ВА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БАҲСЛАР

(Боши 1-бетда).

Бунда наманганлик волейболчи қизлар Қорақалпоғистон Республикасидан келган тенгдошларини 3:0 ҳисобида енгдилар. Тошкент шаҳри ва вилояти волейболчилари ўртасидаги баҳсда эса пойтахтликлар устунлиги сезилиб турди. Кейинги ўринларни Хоразм, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Қашқадарё, Андижон, Сирдарё, Бухоро ва Жиззах вилоятлари вакиллари эгаллашди.

Ўсмирлар ўртасидаги волейбол баҳсларида Навоий вилояти жамоаси қорақалпоғистонликларни 3:1 ҳисобида мағлуб этиб финалга йўл олдилар. Навоийликлар энди майдон эгаларини худди шундай ҳисобда ютган Фарғона вилояти волейболчилари билан баҳс олиб борадилар.

Совринли ўринлар учун баҳслар бугун бўлиб ўтади.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲИССАСИ

Оналар ва болалар йилига бағишлаб ўтказилган экологик шанбаликда республика касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этдилар. Муҳим тадбирга пухта тайёргарлик кўрилди. Энг оммавий жамоат ташкилоти вакиллари қатор жамғармалар билан ҳамжиҳатликда жойларда кенг тушунтириш ишларини олиб бордилар.

Экологик шанбаликда 41590 тадан ортиқ корхона, ташкилот, муассаса қатнашди. Иштирокчиларнинг умумий сони 5 миллион 300 мингдан ортиқ кишини ташкил этди. Шулардан 2 миллион 260 минг нафари бевосита иш жойларида, 3 миллиондан ортиғи эса ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан машғул бўлдилар.

Хайрли тадбир уюшқоқлик билан амалга оширилди. Натижалар ҳам чаккимас: жумладан 11 миллион 400 мингдан кўп дарахт кўчати ўтқазилди, 4550 гектарда боғлар барпо этилди, кўпдан-кўп чиқиндилар белгиланган манзилга элитилди. Ариқ-зовурлар, каналлар, уларнинг ён-атрофлари тозаланди. Кўпдан-кўп саноат, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш корхоналарида, қурилиш майдонларида, алоқа ҳамда савдо тармоқларида таъмирлаш, санитария ҳолатини яхшилаш тадбирлари амалга оширилди.

Г.ҒАФФОРОВ, Ўзбекистон КУФКнинг меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими мудири.

Бандлик дастури амалда

Куни кеча Бўка туманидаги фуқаролар йиғини ҳудудида меҳнат ярмаркасини ўтказдик. Бу ерни танлаганимиз бежиз эмас. Чунки Ғаффор Азаматов номли ва «Ачамайли» ширкатлар уюшмалари ҳудудида аҳоли зич жойлашган.

ЯРМАРКАДА ИШЛИ БЎЛИШДИ

Унда 22 та ташкилот қатнашиб 106 та иш ўринлари таклиф этилди. Шу куни 38 нафар қишлоқ ёшлари ўзларига маъқул бўлган иш ўринларига эга бўлдилар.

Туманимизда салкам юз минг аҳоли истиқомат қилади. Ишлаб чиқариш асосан ғалла ва пахтадан иборат. Шунинг учун ҳам ярмаркага қурилиш ташкилотлари ва саноат корхоналари вакиллари таклиф этилди. Берилган сўровлар натижасида 30 та ташкилотда 71 та бўш иш ўринлари борлиги аниқланди ва рўйхатда турган кишиларга таклиф этилди.

Ҳозирги вақтда янги иш ўринлари ташкил этиш муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Биз бу муаммони ҳал қилиш учун кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга эътиборни қаратмоқдамиз. Натижада шу йилнинг ўтган тўрт ойида 173 нафар ишсизлар рўйхатга олинган бўлса, шулардан 125 нафар киши якка тартибдаги меҳнат тури билан шуғуллана бошлади, 42 нафари хусусий корхоналарга жойлаштирилди.

Иш сўраб мурожаат этувчиларнинг кўпчилик қисми ёшлардир. Уларда касб, ҳунар эгаллашга қизиқиш катта эканлиги ҳисобга олиниб, ҳар хил ўқув муассасаларига юборилмоқда. Масалан, бултур 36 нафар ёшлар қурувчи, чилангар, ҳисобчи, котибаликка ўқитилиб, ишга жойлаштирилган эди. Бу йил эса бу рақамни юзтага етказишни режалаштирганмиз.

Бундан ташқари ишсиз сифатида рўйхатга олинган кишилардан касби йўқ ва ҳеч қандай даромад манбаига эга бўлмаганларига энг кам иш ҳақи миқдорида нафақа тайин этилмоқда. 6 ой мобайнида бундай кишилар ишга жойлаштирилади ёки стипендия олиб ўқиш масканларига йўлланма оладилар.

Меҳнат бўлимимизда 22 нафар масъул ходим ишлайди. Улар билан «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ўқув машғулотлари ўтказиб борилади. Ходимларнинг ҳар бири шу асосда ойлик ва ҳафталик иш режаларига эга бўлади ва қишлоқ фуқаролар йиғинида, маҳалла оқсоқоллари ҳузурида фаолият юритадилар.

Аксарият ҳолларда ёшларимиз туманда меҳнат бўлими борлигини билмайдилар. Ходимларимиз ёшларнинг ана шу қатламлари билан суҳбатда бўладилар. Уларга янги иш ўринлари ҳақида ахборот берадилар ва зарур меъёрий ҳужжатлар билан таништирадилар.

Муҳаммадали БЕКТУРҒОНОВ, Бўка тумани меҳнат бўлими бошлиғи.



«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» МАРКАЗИ

Наманган тумани маркази — Тошбулоқда қад кўтараётган ҳашаматли бинолар, кенг ва текис йўллар қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Хиёбонлар қишлоққа шаҳар тусини берган. Яқинда қурилиб фойдаланишга топширилган икки қаватли кўркам бинода келажагимиз эгалари ҳисобланган ёш авлодга мўлжалланган бўлиб «Соғлом авлод учун» маркази, деб аталди. Бугунги кунда ушбу даргоҳда 200 нафардан ортиқ ўқувчи каратэ, бокс, миллий кураш, самбо, қизлар эса чеварчилик, пазандалик тўгаракларига қатнашмоқдалар. Шунингдек, ёшлар марказида инглиз ва немис тилларини ўрганиш курслари ҳам фаол ишлаб турибди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Жаҳон матбуот эркинлиги куни муносабати билан давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЖАҲОН МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимиздаги марказий нашрлар муҳаррирлари, журналистика соҳасида фаолият юритаётган атоқли олимлар, ўқитувчи ва профессорлар иштирокида ўтган мазкур анжуманда Ўзбекистонда ўтган ўн йил мобайнида оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш, уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлаш борасида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Бир неча йилдан буён самарали фаолият юритиб келаётган Миллий матбуот марказининг ташкил этилиши, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика факультети иш бошлагани, мамлакатимизда мустақил оммавий ахборот воситалари сонининг мунтазам равишда ортиб бораётгани бу фикрнинг яққол тасдиғидир.

Анжуман иштирокчилари мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини янада кенгроқ демократлаштириш ва ўзбек журналистикасини ривожлантиришда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни тағин ҳам кучайтириши зарурлигини қайд этди.

(ЎзА).

«Аср кишиси» танловига

МАКТАБ ЯРАТГАН

Очерк

Бу оламда касблар кўп. Аммо эл дардига дармон бўлишни ўз зиммасига олган шифокор масъулияти бўлакча. Хаммаданда жаррохлик ихтисосини танлаганларга осон эмас.

Баҳодир Муаззамов ҳам ана шундай шарафли касбни эъзозлаб келаётган шифокорлардан саналади. У чорак асрдан буён эл дардига дармон бўлиб, олқиш олаётган жарроҳ сифатида ҳурмат-эътибор қозонган.

Хизмат тақозоси билан Баҳодир аканинг турли шифо масканларида ишлашига тўғри келди. У қаерда фаолият кўрсатмасин, мудом камтарлиги, олийжаноблиги, тўғри сўзлиги ва фидоийлиги билан ҳамкасбларига ибрат бўлишга интилди. Хоҳ клиникада, хоҳ тиббиёт олийгоҳида, хоҳ шаҳар ёхуд вилоят силга қарши диспансерида бўлсин, у киши қасамёдига содиқ қолиб, ўз бурчини ҳамиша аъло даражада бажаришга ҳаракат қилди.

— Мен ҳар қадамда отам Раҳмон Муаззам ўғли ҳамда азиз устозларимнинг панду насиҳатлари, ўгитларига амал қилишга интиламан. Айниқса, отам раҳматлининг бир гапларини бот-бот ёдга оламан.

— «Ўғлим, - дер эдилар у киши, - эл-юрт корига яраб яшашни ихтиёр этган қобил фарзандлар қаторидан жой олмоқни истасанг, камтар бўл, ўқиб изланишни канда қилма. Касби-корингни жон-дилдан сев. Унга хиёнат этма».

— Ота насиҳатларини қулоққа олиб, кам бўлмадим. Ҳаётда ўз ўрнимни топа олдим, - дейди олий тоифали ҳаким, тиббиёт фанлари номзоди Баҳодир Муаззамов.

Мана тўрт йилдирки, илк бор меҳнат фаолиятини бошлаган ва у учун қадрдон бўлиб қолган вилоят силга қарши диспансерини бошқармоқда. Мутахассисларнинг фикрича бу касалликка қарши ҳамиша вақтида курашиш лозим. Вилоятда кенг миқёсда олиб борилаётган тадбирларга қарамай, касаллик хуружи ҳам катталарда, ҳам болалар ўртасида ҳозирча қайд этилаётир. Бирламчи даволаш давридаги узилишлар, нотўғри даволашлар, силнинг кечикиб аниқланиши аҳволнинг оғирлашишига сабаб бўлмоқда.

Касаллик хавфи ва хуружи нечоғлик авж олаётганини дилдан ҳис этмай, идрок қилмай туриб, кескин курашиш қийин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, вилоятдаги етакчи даволаш муассасасининг аҳил жамоаси, унинг қатъиятли раҳбарига кўп нарса боғлиқлиги ойдинлашади.

Касалхона моддий базасини мустаҳкамлаш, бу ерни обод ва кўркам қилиш, замонавий даволаш усулларидан самарали фойдаланиш, шифокорлар масъулиятини ошириш, уларнинг сафини ёш, ишчан кадрлар ҳисобига бойитиш, чекка туманларда ҳам шифо масканларини яратиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш каби қатор долзарб вазифаларни ҳал этиш, уларнинг ижросини таъминлашда ташкилотчи ва фидойи раҳбар Б.Муаззамовнинг хизматлари бисёр.

Кейинги икки йилда вилоятдаги силга қарши тиббий муассасалар иши анча такомиллашди. Айни пайтда ушбу йўналишда 17 та муассаса ишлаб турибди. Силга қарши диспенсерларда, шаҳардаги болалар ҳамда Шофиркондаги катталарга мўлжалланган сиҳатгоҳларда, боғча-яслиларда, мактабларда, олий ўқув юртларида саломатликка оид давра суҳбатлари, семинар-кенгашлар, жонли мулоқотлар ўтказилди. Икки маротаба республика фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институти билан биргаликда илмий-амалий кенгашлар ўтказилди.

Вилоят диспансерида флюромарказ ташкил этилди. Унга ишчан ва малакали мутахассислар жалб этилди. Мазкур даволаш масканидаги ташкилий бўлим базасида силга қарши профилактик ишлар ва касалликни ўрганиш бўйича мониторинг марказининг очилиши ҳам бош ҳакимнинг саъй-ҳаракатлари натижасидир. Ҳозир замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ушбу марказда шу куннинг талаблари даражасида хизмат кўрсатиб келинаётир.

Баҳодир аканинг тинимсиз изланишлари самараси ўлароқ, даволаш муассасасининг янги бўлимлари етук мутахассис кадрлар билан таъминланди. Натижада касалликни аниқлаш, аниқ ташхис қўйиш, беморларни даволаш жараёнлари тубдан яхшиланди.

— «Соғлом авлод» йилида янги туғилган 26383 нафар чақалоқ силга қарши эмланди. Айрим сабабларга кўра эмланмаган чақалоқларнинг кейинчалик эмланиши устидан ҳам қатъий назорат ўрнатилди.

Йил давомида вилоятда силнинг фаол тури билан касалланган болалар ва ўсмирларни даволашга алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаш лозим. Силга мойил диспансер назоратида бўлган кишилар махсус текширишлардан ўтказилиб, уларнинг орасида касаллик белгилари мавжудлари аниқланса зудлик билан даволашга жалб этилди. Биргина «Мохи-Хоса» болалар сиҳатгоҳида йил давомида 831 нафар бола даволанди.

— Бундан ташқари вилоятда туғиш ёшидаги аёлларимиз ҳам текширувдан ўтказилди.

Хуллас, вилоят силга қарши диспансери ва бошқа тизимга қарашли

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

Қамаши туманининг Тўқбой қишлоғида истиқомат қилувчи Шоймардон ота Хўжановнинг кенг ҳовлиси бу йил 9- май куни ҳам ҳар йилгидек гавжум бўлади. Ўғил-қизлар, набиралар, эвараче-варалар учун ҳақиқий байрамга айланади бу қутлуғ айём.

ЧИНОР

Гап фақат отахон шу куни ўзининг қутлуғ 80 ёшини нишонлашидагина эмас, бошқа сабаби ҳам бор: бундан 58 йил муқаддам айнан шу куни у жанггоҳдан оғир ярадор ҳолда қайтганди ва орадан икки йил ўтгач, худди мана шу куни умр йўлдоши Зайнаб билан никоҳ тўйини ўтказган эди. Ўшандан бери оилада ҳар қандай тўй-маросим бўлса, айни 9 майда нишонланади.

Йиллар оқар сувдек тез ўтиб кетаверар экан. Ҳа, ўша суронли замонлар ҳам ярим аср деворининг нариги томонида қолиб кетди. Урушдан ногирон бўлиб қайтган йигит узоқ даволанди. Сўнг яшаш, элга наф келтириш учун ўзида куч, ирода топа олди. Сиртдан бўлса-да, ўқиди, олий маълумотли бўлди. Садоқатли умр йўлдоши Зайнаб момо энг оғир кунларида елкадошлик қилди унга. Улар тўрт ўғил ва тўрт қизни эл корига ярайдиган фарзандлар этиб тарбияладилар.

Шоймардон отанинг бутун умри «Тўқбой» жамоа хўжалигида ўтди. Эллик йил давомида ҳисобчи, иқтисодчи, тафтишчи вазифаларида меҳнат қилди. Дарахт бир жойда кўкаради, деганлари ҳақ гап экан. Ҳалол меҳнати эл орасида катта обрў-эътибор олиб келди унга. Шоймардон ота «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвонига сазовор бўлди, республика миқёсидаги нафақага лойиқ топилди.

Ота тарбиялаб етиштирган ўнлаб шогирдлар ҳозир вилоят халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётирлар.

Қутлуғ саксон йиллик таваллуди олдидан биз отахон билан учрашиб, унинг ҳаётида энг бахтли кун қачон бўлганлиги билан қизиқдик.

— У ҳаётимнинг етмиш биринчи йилида юз берди, — дейди отахон, — Президентимиз республикамиз мустақиллигини эълон қилган кун энг бахтли кунимдир.

Шу йилнинг 9 май куни бу катта хонадон ҳовлиси улкан тантанага гувоҳ бўлади. Тўқбой қишлоғи, нафақат бу қишлоқ, балки бутун Қамаши эли туманнинг чинори, фахри бўлмиш Шоймардон ота Хўжановнинг қутлуғ таваллуд тўйини нишонлайди.

— Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан белгиланган тадбирлар шарофати ила биз — фахрийларга катта иззат-икром кўрсатилмоқда, - дейди табаррук инсон. - Бу барчамизга куч-қувват, аъло кайфият бахш этмоқда.

Қилич НУРМУҲАММАД,
ёзувчи.

Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамда Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб, Фарғона вилоятида шу мавзуда учрашув ва суҳбатлар ўтказди.

«ИСТИҚЛОЛИМИЗ - ИСТИҚБОЛИМИЗ»

Маънавият жонкуярларидан таркиб топган гуруҳ аъзолари вилоятнинг шаҳар ва туманларида бўлиб, мактаб ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юрти талабалари, маҳалла ёшлари билан учрашди. Суҳбатларда истиқлолимизнинг залворли одимлари, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, эл тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳияти, маънавиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишлар хусусида сўз юритилди. Мулоқотларда вилоят ёшлари фаол иштирок этди ва ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олди.

(ЎзА).

ЯНГИ МАКТАБ

Ниҳоят Нодим Намангоний номли 50- мактаб ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасининг орзуси амалга ошди. Улар Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги байрами нишонланадиган йилда янги бинога кўчиб ўтдилар. 1200 ўқувчига мўлжалланган билим даргоҳида болаларнинг ҳар тарафлама чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароит муҳайё. Ҳозирги дарслар компьютерлар ва лингофон аппаратлари ёрдамида олиб борилмоқда. Қурилиш учун 240 миллион сўм маблағ сарфланди.

О. ЖУМАНОВ.

Пойтахтимизнинг С.Раҳимов шоҳбекатидан республикамизнинг турли вилоятларига автобуслар қатнови йўлга қўйилган. Ушбу шоҳбекатда 21 нафар ходим йўловчиларга малакали хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда ишловчи ходимларнинг меҳнат шароитлари кўнгилдагидек ташкил этилган.

Суратларда: Шоҳбекат ходимлари ҳаётидан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Газетхон илтимосига кўра

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ

уни ўрганиш, тарғиб этиш усуллари

Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи директори, Олий Мажлис депутати Ибодулла Бойжонов қонунчилик илмини пухта эгаллабгина қолмай, уни атрофлича татбиқ этиш аҳамияти-ю моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган қўлланмалар яратишга бел боғлаганлардан. Пойтахтимизда чоп этилиб, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар масканларига қўлланма-дастур сифатида тақдим этилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» безакли альбоми муаллифнинг қонунчилик соҳасидаги энг яхши тадқиқотларидан биридир. 11 та плакатдан иборат ушбу қўлланма бўлғуси касб-ҳунар соҳибларига Асосий Қомусимизни тажрибада синовдан ўтган, қулай усуллар ёрдамида ўрганиш, моҳиятига чуқур кириб боришда қўл келмоқда. Эътиборлиси шуки, муаллиф ҳаётимиз дастуриламалининг ҳар бир бўлими, боби, моддасини ўзлаштиришга оид йўл-йўриқларни баён этган. Қўлланма муаллимга ҳам, талабага ҳам бирдек яқин. Ҳозирги кунда воҳа ўқув юртлари талабалари безакли альбомдан унумли фойдаланишмоқда.

Таъкидлаш жоиз, Олий Мажлиснинг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида фаолият кўрсатиб келаётган муаллифнинг мазкур қўлланмаси унинг дастлабки илмий-ижодий тадқиқоти эмас. Олим қисқа вақт ичида 7 та безакли плакатни ўзида жамлаган «Соғлом авлод Давлат дастури», «Озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз», 51 та плакатга жойлашган «Миллий истиқлол ғояси», «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Синф раҳбарининг илмий-услубий вазифалари» каби альбомлар, шунингдек, ўнга яқин оммабоп асарлар, рисолаларни ҳам нашр эттиришга муваффақ бўлди. Муҳим ишда Ибодулла акага таълим масканининг тажрибали мураббийлари яқиндан ҳамкор, мададкор бўлишмоқда. Ҳамжиҳатликда қилинган саъй-ҳаракат туфайли хўжалик ҳуқуқи ва менежментлик ихтисослиги бўлими очилди. Бўлим беш йил мобайнида 250 нафардан ортиқ ўрта махсус маълумотли ҳуқуқшунослар тайёрлаб берди.

А.СОБИРОВ,
Э.ЭРМАТОВ.

Ёшларни билимли, жисмонан соғлом ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш, ҳуқуқий онгини ўстириш, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳамда зарарли оқимлар таркибига кириб қолиш ҳолларининг олдини олишда Денов туманлараро прокуратураси ходимлари томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Доимий равишда мактаб, коллеж ҳамда лицейларда «Огоҳликка даъват» мавзуида суҳбатлар ташкил этилмоқда.

Суратда:Денов туманлараро прокурори ўринбосари, 1-даражали юрист Эркин Каримов Агро-тижорат коллежи ёшлари билан суҳбат ўтказмоқда.

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: Муассаса раҳбари ўз ташаббуси билан иккинчи гуруҳ ногирони бўлган ходимни вазифасидан озод қилиш ҳуқуқига эгами, унинг тартиблари қандай? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

Л.ТИБАЕВА,
Андижон Давлат тиббиёт институти кутубхонаси ходими.

Жавоб: Ногиронлик гуруҳини умумий касалликми, ишлаб чиқаришда жароҳат олганми, касб касаллиги бўйичами, қайси касаллик бўлишидан қатъий назар, фақат Тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) белгилайди. Тиббий хулосага мувофиқ, ходимга учинчи, иккинчи ҳатто биринчи гуруҳ ногирони берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-модда, II-қисм, 2-бандига асосан ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши иш берувчининг ташаббуси билан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинишига асос бўла олади. Ходимнинг бажараётган ишига нолойиқ деб топилиши тиббий хулоса билан тасдиқланиши лозим. Ҳар бир иш берувчи билиб қўйиши лозим, ходим меҳнат лаёқатини қисман йўқотса ёки унга ногиронлик белгиланган бўлса ва унинг бажараётган иши унинг саломатлиги даражасига зид бўлмаса, иш берувчи ўз ташаббуси билан ходимни вазифасидан озод қилишга ҳаққи йўқ. Чунки ҳар қандай соҳа ходимига II-гуруҳ ногиронлиги ўрнатилиши мумкин. Бу ходим баландликда ишлайдиган ва оғир юкларни кўтариш билан боғлиқ бўлган қурувчи бўлиши, автотранспорт ҳайдовчиси, иши соғлиққа зарар келтирувчи ишлар билан боғлиқ бўлган ходим бўлиши ёки идора ходими (ҳисобчи, иқтисодчи, қоровул) ва енгилроқ ишларни бажарувчи шахс бўлиши мумкин.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, оғир юкларни кўтарувчи қурувчи, автотранспорт ҳайдовчиси ва соғлиққа зарар келтирувчи ишлар билан банд бўлган ходимлар II-гуруҳ ногирони бўлса, бу ишни бажара олмаслиги мумкин, идора ходими ёки енгилроқ иш билан банд бўлган ходим II-гуруҳ ногирони бўлса ҳам ўз вазифасини бажариши мумкин.

Ходимнинг ўз вазифасини бажара олишлиги мумкинми ёки йўқми, деган саволга фақат ТМЭК хулосаси жавоб бериши керак. Кўп ҳолларда иш берувчиларнинг, ходимлар билан иш олиб борувчи мутахассисларнинг ҳатто ҳуқуқшуносларнинг меҳнат қонунчилиги масалалари бўйича етарли билимга эга ши, хатга ходимнинг меҳнат вазифалари тўғрисидаги Низоми ва бўш лавозимлар рўйхати илова қилиниши шарт.

Фақат ТМЭК бу хатни ва Низомни ўрганиб чиқиб, ходим бажараётган ишига нолойиқ деган хулоса берса, иш

бўлмаганликлари сабабли улар ТМЭК томонидан ходимга иккинчи гуруҳ ногирони берилишини ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ деб топиб, уни ишдан бўшатиш мумкин деган хулосага келишади ва шундай ҳам қилишади. Бу албатта, ноқонуний ҳисобланади. Бу асосда ишдан бўшатилган ходим унинг аризасига асосан ваколатли органлар томонидан мажбуран бекор юрган вақти учун ҳақ тўлаш шарти билан қайта ишга тикланиши керак (Меҳнат кодекси, 275-м.). Бу ерда ТМЭК томонидан бериладиган тиббий хулоса тўғрисида ҳам ёзиб кетишни зарур деб биламан. Чунки ушбу газета барча учун мўлжалланган бўлиб, ТМЭК аъзолари, унинг юқори идораси раҳбарлари ҳам диққат билан ўқишиб, тиббий хулоса бериш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишади, деган умиддаман. ТМЭК хулосаси бўйича агар ходимга II-гуруҳ ногиронлиги ўрнатилган бўлса, унинг берган маълумотномасининг орқа томонига «Ишга яроқсиз» деб ёзиб қўйилган бўлади. Бу ёзув албатта, ҳар қандай раҳбарни нотўғри йўл тутишига сабаб бўлади. Шу туфайли ТМЭКнинг тиббий хулоса бериш тартиби, йўриқномаси ёки Низоми Меҳнат кодексининг 100-моддаси, II-қисм, 2-банди талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Агар ходимга ТМЭК томонидан II-гуруҳ ногиронлиги берилиб, у «Ишга яроқсиз» деб топилган бўлса, иш берувчи томонидан ходимни «Ишга яроқсиз»лигига аниқлик киритилиши зарур! Бунинг учун иш берувчи ходимга II-гуруҳ ногиронлиги ўрнатган ТМЭКга ҳат билан мурожаат қилиши керак. Хатда ходимнинг лавозими кўрсатилган бўлиб, у соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига лойиқми, деган савол қўйилиберувчи ўз ташаббуси билан ходимни Меҳнат кодексининг 100-моддаси, II-қисм, 2-банди билан бажараётган ишига нолойиқ деб меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Албатта, иш берувчи ходимни бу асосда ишдан бўшатишдан олдин амалдаги қонуннинг бир неча талабларини бажаришига тўғри келади. Иш берувчи томонидан ходимни иш билан таъминлаш чоралари кўрилиши ва тиббий хулосага мувофиқ унинг розилиги билан у бўш бўлган лавозимга ишга ўтказилиши зарур.

Агар ходимни иш билан таъминлашнинг имконияти бўлмаса, Меҳнат кодексининг 101-моддаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ўртасида тузилган Битимга биноан касаба уюшма қўмитасининг розилиги олдиндан олинади.

Касаба уюшма қўмитасининг розилиги олингандан сўнггина иш берувчи ходимни Меҳнат кодексининг 100-моддаси II-қисм, 2-банди билан уни бажараётган ишига нолойиқ деб вазифасидан озод қилади ва Меҳнат кодексининг 102-моддаси асосида икки ҳафталик огоҳлантириш муддатига пуллик компенсация, 109-моддага мувофиқ эса бир ойлик ишидан бўшатиш нафақаси тўлайди.

Шундай қилиб, II-гуруҳ ногирони бўлган ходимни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатиш учун Тиббий меҳнат эксперт комиссиясининг ходимни бажараётган ишига нолойиқлиги тўғрисида хулоса бўлиши шарт. ТМЭКнинг ходимга берилган II гуруҳ ногирони ва «Ишга яроқсиз» деган хулосаси иш берувчига ходимни ўз ташаббуси билан вазифасидан озод қилиш ҳуқуқини бермайди.

ЖАРРОҲ

даволаш муассасаларида белгиланган дастур асосида иш олиб борилиб, беморларни даволашда муайян ютуқларга эришилаётир.

2001-2005 йилларга мўлжалланган дастурнинг ишлаб чиқилгани айни муддао бўлди. Унга кўра мамлакатимизда силга қарши босқичма-босқич кураш чоралари белгилаб чиқилди. Бу борада экологик жиҳатдан анча мураккаб иқлим шароитлари юзага келаётган Бухоро воҳасида кенг кўламда иш олиб бориш назарда тутилган. Жумладан, даволаш муассасаларининг моддий базаси янада мустаҳкамланади. Кадрлар таъминоти, дори-дармон етказиб бериш жараёнлари тубдан яхшиланади. Янги даволаш ва ташхис усулларини татбиқ этишга эътибор кучайтирилади. Бунда эса, шубҳасиз, Баҳодир ака ва у кишининг Шабон Ҳикматов, Тамара Саидова, Садриддин Шукуров, Олима Тошева, Насриддин Эргашев, Маҳмуд Хўжаев, Сулаймон Рустамов, Зуҳро Бозорова, Жамшид Раҳимов, Муҳаммад Пардаевга ўхшаган кўплаб жамоадошлари фидойилик кўрсатишади.

Айрим юртдошларимиз касаллик белгиларини мумкин қадар яширишга ҳаракат қилаётганликлари ажабланарли ҳол. Улар силга қарши даволаш муассасаларида ётиб, изчил даволанишни ор биладилар. Аммо бир кунлик кечикиш қиммат-га тушиши мумкинлигини унутмаслик зарур. Яқинда ана шундай «ориятли» беморлардан бирини жарроҳлик йўли билан даволашдан бўлак чора қолмади. Унинг чап томон ўпкаси олиб ташланди. Бундай ҳоллар такрорланмаслиги учун ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоғи лозим.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

Чимбойлик фермер Нурилла Кипшақбаев «Майжап» ширкатини хўжалик судига бериб ютиб чиқди.

ҚОНУННИ БИЛГАН ЮТАДИ

— Агар пулимни вақтида беришганда хўжалик бошқаруви билан судлашмасдим, — деди фермер «Туркистон-пресс» мухбирига. — Республика хўжалик суди 1998 йилги «Майжап» ширкат хўжалигига топширган 27 минг 660 килограмм шоли учун 768 минг 301 сўм асосий, 384 минг 150 сўм устама, жами 1 миллион 152 минг 451 сўм, шунингдек, 1996-2000 йиллар давомида ширкат хўжалигига топширган сут маҳсулотлари учун 322 минг 593 сўм асосий ва 322 минг 593 сўм устама, жами 645 минг 186 сўм жарима ҳисоблаб қарор чиқарди. Адолат қарор топгани учун адлия ходимларидан хурсандман. Чунки пулимни ололмаяпман деганимда, улар судга мурожаат қилинг, деб йўл-йўриқ кўрсатганди.

— Қонунни пухта билган, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган киши қийналмайди. Буни Нурилла аканинг судда ғолиб чиққанидан ҳам кўриб турибсиз, — деди Қорақалпоғистон Республика адлия вазирлигининг бўлим бошлиғи Азамат Боймуротов. — Фермерлару тадбиркорлардан аризалар келиб тушиши давом этаяпти. Шундан фуқаролик ишлари бўйича бир ариза Нукус шаҳар судига, 18 та ариза республика хўжалик судига даъво тарзида топширилди. Бугунги кунгача хўжалик судида 8 та даъво аризалари кўрилиб, деҳқон-фермерлар ва тадбиркорлар фойдасига 4 миллион сўмдан зиёд маблағ ундирилди. Адлия вазирлигининг бевосита аралашуви билан Беруний туманидаги банк бўлимларидан тадбиркорларга жами 23 миллион 694 минг сўмлик кредитлар олиб берилди. Бу ҳам албатта республика иқтисодиётини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ҲАЗОРАСПЛИК ИШБИЛАРМОН

Қудрат Абдурайимов оддий тупроқни пулга айлантириб ўтган йил 1 миллион сўм даромад қилган эди. Бу йил бу рақам 3 миллион сўм бўлиши кутилмоқда.

— Ёз арафасида кўпчилик иморат қуриш ҳаракатига тушиб қолади. Қурилишга эса арзон ва сифатли ғишт керак, — деди Қудрат Абдурайимов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ўтган йил бошида 3 миллион сўмга ускуна сотиб олдим. «Эркин» ширкат хўжалиги «Овшар» қишлоғининг ёнидан ер берди. Ускуналарни ўрнатиб иш бошладим. Қишлоқ ёшлари тупроқни яхшилаб қориш ишини бирпасда ўзлаштириб олишди.

Қ.Абдурайимовнинг таъкидлашича, хом ғишт ишлаб чиқарувчи бу кичик корхонада 15 киши меҳнат қилаяпти. Бу йил ғишт олиш учун 20 дан ортиқ буюртма тушган, айрим талабгорлар пулни олдиндан ўтказиб ҳам қўйган.

— Келгусида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириб ёғочга ишлов бериш цехини ҳам очмоқчиман. Мақсадим ҳамқишлоқларимни кўпроқ иш билан таъминлаш, уларнинг корига яраш, — деди сўзининг якунида Қ.Абдурайимов.

Жавоҳирот сандиғидан

ҲУРМАТ ҚИЛСАНГ, ИЗЗАТ ТОПАСАН

Эй фарзанд, ... ақл юзасидан билгилки, ота-онанинг иззат ва ҳурматини бўйинга олиш лозимдир, чунки фарзанднинг асли ота-онадир. Агар ҳар фарзанд ақлли ва доно бўлса, ота-онанинг меҳри-муҳаббатини адо қилишдан бош тортмайди. Ота-онанинг иши сени парвариш қилиш ва сенга яхшилик ўргатишдир.

Эй, фарзанд, ота-онанинг кўнглини ранжитма, уларнинг қалбини азоблама.

Кўргил, ота-она сени жон-дил билан парвариш қилмишлар, агар сен уларга нисбатан хато иш қилсанг, сен ҳеч яхшиликка сазовор эмассан, чунки ҳар киши ота-она (асл)нинг яхшилигини билмаса, бировнинг яхшилигига баҳо беролмайди ва ўз фарзандингнинг сени ҳурмат қилишини истасанг, сен ҳам ота-онангни ҳурмат қил, чунки сен ота-онанг ҳақида нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенга шундай иш қилади.

... Одам мевага, ота-она дарахтга ўхшайди. Дарахтни яхши тарбия қилсанг, меваси яхши ва ширин бўлади, ота-онага иззат ва ҳурматни кўпроқ қилсанг, сенинг ҳақингдаги уларнинг дуоси тезроқ мустажоб бўлади...

Мерос олиш ҳирси билан ота-онанинг ўлимини асло истамагил...

Молсизликдан қашшоқ бўлсанг ҳам, ақлдан бой бўлишга ҳаракат қил, чунки мол билан бой бўлгандан, ақл билан бой бўлган яхшироқдир: ақл билан мол тўпласа бўлади, аммо мол билан ақл тўплаб бўлмайди. Жоҳил тезда камбағаллашади, аммо билгилким, ақл бир қиммат-баҳо нарсаки, уни ўғри олиб кета олмас, ўтда ёнмас, сувда оқмас.

Агар ақлинг бўлса, ҳунар ўрган, чунки ҳунарсиз ақл либоссиз тан ёки афти йўқ одамдир, дебдурларки, билим — ақл сиймосидир.

(«Қобуснома»дан)

Муштарий таклифига кўра

РУШАНА

Таҳририятимиз Бухоро вилоятининг Когон шаҳридан қуйидагича мактуб олди:

«Мен ёшлигимдан адабиёт ва санъатга қизиқаман, — деб ёзади Чиннигул Саидова. — Шунинг учун янги чиққан адабиётларни, вақтли матбуотни мунтазам кузатиб боришга ҳаракат қиламан.

Айниқса, менга «Ишонч» газетасининг «Дам олиш саҳифаси» маъқул бўлмоқда. Гох-гоҳ сўнгги саҳифадаги севимли раққосамиз Рушана Султонова суратига тикилиб ўйга толаман, унинг ҳаёти, фаолияти ҳақида билганларимни ҳаёлан ипга тизаман. Аммо билганларимдан билмаганларим кўп экан. Шунинг учун илтимос қилардимки, ушбу санъаткор ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз...»

Қуюнчак газетхоннинг самимий сўзлари битилган мактуб Ўзбекистон халқ артисти Рушана Султонова билан учрашишга, унга муштарийни ҳам, ўзимни ҳам қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишга ундади.

— Рушана, аввало, ўзингиз ҳақингизда муштарийларимизга сўзлаб берсангиз?

— Мен дунёга не-не буюк зотларни инъом этган қадим ва ҳамиша навқирон Бухорои Шарифда туғилганимдан фахрланаман. Биз оилада икки фарзанд бўлганмиз — мен ва укам Элнор. Ҳозирги кунда қарилик гаштини сураётган дадажоним ва ойижоним бизларнинг яхши билим олишимиз, ўзимиз ёқтирган соҳани эгаллашимиз учун қўлларидан келганча ёрдамларини аяшмаган.

Мен рақсга болалигимдан қизиқар, келажагимни фақат санъатда кўрардим. Шу сабаб ҳозирги Олий рақс билим юртининг хореография бўлимига ўқишга кириб, уни 1979 йили муваффақиятли битирдим.

— Халқимизда устоз ва шогирдлар ҳақида кўп ажойиб ривояту ҳикоятлар, мақоллару ҳикматли сўзлар бор...

— Фикрингизни тушундим. Албатта, ҳар бир соҳада, айниқса, рақс санъатидек ўзига хос мураккаб жанрда устозсиз фаолият юргизиб бўлмайди. Мен билим юртида илк сабоқларимни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Зулайҳо Раҳматуллаева ҳамда марҳум Ҳалима Комиловалардан олганман.

Алишер Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театрида эса Ўзбекистон халқ артистлари Галия Измаилова ҳамда Вилоят Оқиловалар устозлик қилишди. Мен улардан тоабад миннатдорман.

— Дарвоқе, санъат соҳасида эришган ютуқларингиз ва машаққатли меҳнатингизга берилган баҳо ҳақида тўхталсангиз?

— Муваффақиятлар йўлида чеккан заҳматларинг ўз вақтида ҳамда муносиб тақдирланганига нима етсин.

Мен бу жиҳатдан бахтлиман, десам хато қилмайман. Озми-кўпми, санъат йўлидаги интилишларим муносиб тақдирланди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», сўнг эса «Ўзбекистон халқ артисти» унвонларига сазовор бўлдим.

— Шундай санъаткорлар бўладики, уларнинг ҳар бир босган қадами, қилган иши эл назарида бўлади. Янглишмасам, сиз ҳам шундай санъаткорлардан бирисиз. Аммо кейинги йилларда негадир унчалик кўп «кўринмай» қолдингиз...

— Гарчанд, санъату саҳна ҳаётимнинг асосий қисми бўлса-да, унинг ҳаммаси эмас. Ахир, мен ҳам бир оиланинг бекаси, уч дилбандимнинг онажонисиман. Оила ташвишлари, кундалик югур-югурлар ҳам эмин-эркин ижод қилишга халақит беради. Қолаверса, ҳаммамиз ҳам дунёни тарк этганига ишонгим келмайди.

Назаримда, Маҳмуд акам, бир иш билан кўчага чиққанлару бир оздан кейин қайтиб келадигандек. Қалбини лиммо-лим тўлдирган фарзандлари ва менга бўлган меҳрини бор бўйи билан намойиш этадигандек. Афсуски, шундай ажойиб инсон пешонамизга сиғмади. 1999 йили автоҳалокат туфайли вафот этдилар.

— Рушана, суҳбатимиз сўнгида «Ишонч» муштарийларига тилакларингиз.

— Одамзот дунёга келаркан, нимагадир ишониб, кимгадир суяниб яшаши лозим. Айниқса, суянган қоянг қуламасин, ишончинг дарз кетмасин экан. Муштарийларга ҳам, мухлисларимга ҳам фақат бир тилакни тилайман: улар ҳамиша ишониб яшасинлар.

Суҳбатдош: Темир ҚУРБОН.

Бойчечак

ТЎРТЛИКЛАР

Ҳасадгўйни ёқтирмас дилим,
Эзгуликдан сўзлайди тилим.
Тоза бўлсин юрагим ҳар он,
Яхшиларни сийлайди элим.

***

Инсон бу дунёда мангу яшамас,
Билки, ойга етган чинор ҳам бўлмас.
Лекин шеър ишқида ёнган юракнинг
Номи қуёш каби абадий ўчмас.

***

Эрк берган бахтимни сўйлаб яшайман,
Элу юрт тақдирин ўйлаб яшайман.
Ҳатто лозим бўлса, жон нисор этиб
Мангу ҳақиқатни куйлаб яшайман.

***

Бир зўр оташ, бир зўр аланга,
Юрагимни ёндирса, нетай.
Ишқ сеҳридан сиғмасдан танга
Мажнун бўлиб, айт, қайга кетай.

Расул ХУДОЙНАЗАРОВ, талаба.

Касаба уюшма спорти

«КИМЁГАР» ҒОЛИБ

Чирчиқнинг «Олмос» маданият ва спорт марказида Тошкент вилояти тармоқ касаба уюшмаларининг «Оналар ва болалар йили»га бағишланган саломатлик спартакиадаси бўлиб ўтди.

Беллашувларда умумжамоа ҳисобида Чирчиқ шаҳрининг «Кимёгар» спорт клуби жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Янгийўл шаҳар терма жамоаси иккинчи ва Бўстонлиқ тумани терма жамоаси эса учинчи ўринни эгалладилар.

Эркаклар стритболи, стол тенниси, тош кўтариш, дартс бўйича якка беллашувларда «Кимёгар» спорт клуби аъзолари чиндан-да кучли эканликларини исботладилар.

Мини футбол, аёллар стритболи ва оилавий мусобақаларда Янгийўл шаҳар терма жамоаси вакилларига тенг топилмади.

Енгил атлетика, тош кўтариш, дартс беллашувларида кўрсатган натижалари учун Бўка ва Бўстонлиқ туманлари спортчилари рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирландилар.

М. ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ГУЛЧИЛАР ҚИШЛОҒИ

Марҳаматнинг Қорақўрғон қишлоғида ажойиб бағри кенг кишилар яшашади. Улар гул ва дарахтга алоҳида меҳр қўйишган. Темир Юсупов маҳалла фуқаролар йиғини аҳлининг «Гузарим — фахрим менинг» вилоят кўрик-танловида иккинчи совринни олганлиги ҳам бежиз эмас.

Шу маҳаллалик Абдуҳошим ака Аҳмедов ўз пенсия ҳисобидан мингдан зиёд дарахт кўчатлари сотиб олиб, қишлоқ қабристони атрофига экиб қўйди. Жуда кўп хонадонлар, жумладан Озодахон ва Раҳмонберди Аҳмедовлар, Мунаввархон ва Ортиқали Зокиров, Тожихон Меҳмоновалар истиқомат қиладиган ҳовли-жойларда ҳар йил баҳорда 20-25 турда гуллар етиштирилиб, бошқа хонадонларга тарқатилади.

Эътиборли томони шундаки, гул кўчат тарқатувчи хонадонлар бу ишни фақат савоб учун қиладилар.

— Бу хайрли ишимизнинг савобдан бўлак томони ҳам бор, — дейди шу ерлик кекса муаллим Турғунбой ака Бозоров, — қишлоқ аҳли камёб бўлиб кетган жуда кўп турдаги гулларни топиб, кўпайтирмоқда, уларни йўқолиб кетишдан сақлаб қолмоқда.

М.АБДУКАРИМОВ.

Жаҳон чемпионати: Еттинчи саралаш гуруҳи

Футбол — жамоа ўйини. Шу маънода Хитой Тайпейи ҳудудий жамоаси тренерининг Ўзбекистон терма жамоаси ҳақида фикр билдириб, жамоамизда юлдузлар кўплиги, ҳатто шундай касаллик аломатларини яшира олмай қолган футболчилар ҳам борлиги хусусидаги аччиқ гапларини огоҳликка даъват деб тушунмоқ ҳам мумкин. Лекин футболда яна бир инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат бор: мухлислар ўн бир ўйинчининг қанчалар бир-бирларини уқиб тўп суришларини томоша қилиш учунгина стадионга ташриф буюришмайди. Улар ёрқин юлдузлар, истеъдодли футболчиларнинг ҳеч бир муболағасиз санъат деб баҳолашга лойиқ ўзига хос дриблинги — рақсларидан мароқланиш учун ҳам у ёки бу ўйингоҳга йўл олишади.

МУХЛИСЛАР КУТГАН ЎЙИН

Афсонавий Пеле, Гаринча, Эйсебио, Чарльтон, Беккенбауэр, Платини каби футбол гигантларини қўя турайлик, ҳатто куни кеча Тошкентда бўлиб ўтган Осиё қитъаси саралаш учрашувларида ўзимиз учун яна бир қанча «юлдуз»ларни кашф этдик. Ўзбекистон-Туркманистон жамоалари ўртасидаги муросасиз кечган матч ёдингиздами? Ҳимоя чизиғимизни бир неча бор чок-чокидан сўкиб юборган гуржи футболчиси Каха Гоголадзе хотирангизга келдими? Мисоли таран!

Айнан шу ҳужумчининг иккинчи давранинг биринчи учрашувини муқаддам олган «сариқ карточка»лари туфайли ўтказиб юборишга мажбур эканлиги, очиғи, Туркманистон терма жамоасига қарши майдонга тушадиган мамлакатимиз футболчилари ва мухлислари учун бирмунча енгиллик туғдириши бизга олдиндан маълум бўлгани учун ҳам кўнгилнинг бир четида ғалабага ишонч бор эди. Шундай бўлди ҳам. Ҳимояда бу гал анча уюшқоқлик билан ҳаракат қилган футболчиларимиз ҳужумда ҳам кўплаб хавфли вазиятларни юзага келтиришга муваффақ бўлдилар. Томчилаб томаверса, тош ҳам дарз кетади, деганларидек, охир оқибатда бу ўз самарасини берди. Ўзбекистон терма жамоаси 5:2 ҳисобида муҳим ғалабага эришди.

Биринчи тур гуруҳ ғолиблиги учун асосий даъвогарлардан бўлмиш Иордания терма жамоаси учун, башорат қилинганидек, унчалик оғир кечмади. Майдон эгалари гуруҳ аутсайдерини ҳеч бир қийинчиликсиз 6:0 ҳисобида мағлуб этиб, мухлисларига олам-олам қувонч бахш этдилар. Лекин асосий матчлар олдинда эканлигини араблар ҳам эътироф этмоқдалар. Ҳар ҳолда бунинг учун Туркманистон ва Ўзбекистон терма жамоалари улардан кучсиз эмасликларини амалда исботлашларига тўғри келади.

Кўрамиз, кимнинг айтгани бўларкин...

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Ўзбекистон	4	3	1	0	15-4	10
Иордания	4	2	1	1	10-4	7
Туркманистон	4	2	0	2	9-6	6
Хитой Тайпейи	4	0	0	4	0-20	0

Шоҳмот ҳангомалари

ЁТИБ ҚОЛГУНЧА ОТИБ ҚОЛ

М.МУҲИДДИНОВ

Кичик жамоаларнинг спартакиадасида дастлаб шахмат мусобақалари ўтказиладиган бўлди. Ҳар бир жамоа икки кишидан: бир нафар эркак ва бир нафар аёл шахматчидан иборат. Собиржон Акрамовнинг биринчи разряди бор, жанг бошланишини бетоқатлик билан кутаяпти. Лекин иккинчи тахтада ўйнайдиган шахматчи йўқлигидан хуноб. Аёллардан бирортаси ҳам кўринмаяпти. Лолахон ҳатто: «Мен сизга нима ёмонлик қилдим», деб хафа бўлиб олди. Наташанинг гаплашгиси ҳам келмади. Умиди фақат... Юлдуздан эди.

Собиржон бўлса иккала учрашувда ҳам ғолиб чиқди. Шундай қилиб 64-омонат касса командаси ярим финалга чиқди.

Иш хамирдан қил суғургандай силлиқ борарди. Лекин...

— Мен дона суришни ҳам билмайман!

— Билимнинг кераги ҳам йўқ!!

Бу ночорлик аломати эди. Собиржоннинг хаёлига бундан бўлак ҳеч нарса келмади. Юлдуз эса пичинг аралаш гап қотди:

— Ҳали шундайми? Менга ўзи нима гаплигини тушунтирарсиз...

— Гап шундоқ. Келасиз-у, шахмат тахтаси ёнига бориб ўтирасиз. Қаламни олиб ёза бошлайсиз. Нимаики истасангиз ўшани ёзинг. Ишқилиб ҳеч ким кўрмаса бўлди.

— Шеър ёзсам ҳам бўлаверадими?

— Айтдим-ку, нимани хоҳласангиз ёзаверинг деб. Яхшилаб қулоқ солинг, вақтимиз тиғиз... Борди-ю, сиз билан ўйнагани ҳеч ким келмаса, бизга очко ёзилади.

— Келиб қолса-чи? — деди Юлдуз ажабланиб.

— Келиб қолгудай бўлса, уч-тўртта пиёдани суринг-да, таслим бўлаверинг. Мен кўзойнагимни артиб, таслим бўлишингизга ишора бераман. Кўриб қўйинг, пиёдаларнинг қандай югуришини...

— «Оббо Собиржон ака-ей, ўйларди Юлдуз, - қойилман сизга! Улар икки очкони «қуртдай» олишди: тўртинчи ошхона билан ўт ўчирувчилар командаларидан аёл шахматчи келмади.

Бир куни қандайдир бир бола Юлдузнинг ўйиндан бўшлигини сезиб (бу сафар ҳам рақиби келмаган эди) бир ўйнасак, деб қолди. Юлдуз нима дейишини билмай турарди. Буни фаҳмлаб қолган Собиржон болани топилиши қийин бўлган фильтрли сигарет олиб келишга жўнатиб, Юлдузни хижолатдан қутқариб қолди.

Вақти келиб, Юлдузга ҳам рақиб топилди. Унинг рўпарасига кўзойнакли бир қиз ўтирди. Важоҳати уста шахматчиларникидай. Сумкасидан сиёҳли ручкасини олди. «Бўларим бўлди энди», деб ўйларди Юлдуз рақибининг доналари қандай турган бўлса, ўзиникиниям шундай тарзда тахтага тераётиб.

Шу тахлит ён дафтарчасини олиб, пиёдалардан бирини олға сурди. Ишда бирор марта ҳам ҳайфсан олмагандир-ов! Бироқ нега уям нуқул пиёда сургани-сурган? Отини сакратса, ё бўлмаса, анави «ғалтак»ни думалатса, бир кўриб олардим-да...»

Шу йўсинда Юлдуз ҳамма пиёдаларини суриб бўлди. Энди Собиржон кўзойнагини қачон олади-ю, қачон уни артишга тушади, деб унга қараб-қараб қўярди.

Галдаги юриш олдидан йигирма минутча ўйга толди. Собиржондан бўлса дарак йўқ. Пиёдаларнинг бирортасини ҳам юриб бўлмасди: иккала томоннинг ҳамма пиёдалари бир-бирларига тақалиб қолди.

Юлдуз осойишталик билан чеккадаги «ғалтак»ни икки хона олдинга суриб қўйди. Рақиби ҳам шундай қилди, лекин нариги четдагисини сурди. Юлдуз «Мени майна қиляпти, чамаси деб ўйлади-да, отни ҳам ҳалигидай «ғалтак»ка ўхшатиб икки хона олдинга юриб қўйди. Кейин нариги отни, сўнг энг новча фарзинни боягидай юра бошлади.



Ўйин қизиганданқизиди. Собиржон тахтага қаради-ю, қизариб кетди.

Иккала томоннинг барча доналари илгариги ўйиндан икки ҳол олға силжиб, бир-бирларига тақалиб қолган эди. «Юрадиган нарса ҳам, уни қўядиган жой ҳам қолмади. Нима қилсам экан?» Юлдузнинг боши қотиб қолди. Йигирма дақиқача яна ўйга толди...

— Келинг, дуранг қила қолайлик, — бирдан таклиф қилди у рақибига.

— Шундай, шундай! — рози бўлди рақиби, — раҳмат сизга.

— Сизгаям. Умримда биринчи марта шахматни қўлга ушлашим.

— Мен ҳам. Энди чалқанча сузишга дуруст экансиз, деб қолишмаса эди менга.

Мароқли машқ. Оқлар бошлаб икки юришда мот қилади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 23.25

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6